

## “БИР МАКОН, БИР ЙЎЛ” КОНЦЕПЦИЯСИ ХИТОЙ ИЖОБИЙ ИМИЖИНИ РИВОЖЛАНТИРИШИНГ МУҲИМ ОМИЛИ СИФАТИДА



10.24412/2181-1784-2021-1-643-648

Касимова Зилола Ғуломиддин қизи

сиёсий фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD),

Тошкент давлат шарқшунослик университети Япония тарихи, маданияти,  
сиёсати ва иқтисодиёти кафедраси ўқитувчиси

**Аннотация.** В статье анализируется концепция «Один пояс один путь» как важный фактор в развитии китайского позитивного имиджа страны. Изучены программы Китая в области публичной дипломатии которые оказались эффективными в продвижении положительного имиджа проекта «Один пояс один путь».

**Ключевые слова:** «Один пояс, один путь», «Шелковый путь», «Экономическое пространство Шелкового пути», «Морской шелковый путь», «Великая мечта восстановления китайской нации», «Взаимное доверие» и «Общая победа».

**Annotation.** The article analyzes the concept of "One Belt One Road" as an important factor in the development of a positive Chinese image of the country. China's programs in the field of public diplomacy have been studied, which have proved effective in promoting the positive image of the One Belt One Road project.

**Keywords:** One Belt, One Road, The Silk Road, The Silk Road Economic Space, The Maritime Silk Road, The Great Dream of Rebuilding the Chinese Nation, Mutual Trust and Common Victory.

Ҳозирги пайтда Хитой Халқ Республикаси Осиёдан тортиб Америкагача турли давлатлар жамоатчилиги нигоҳида ижобий имижини шакллантириш мақсадида халқ дипломатияси воситаларини фаоллаштирган. У ўзига хос стратегиясини “Бир макон, бир йўл” концепцияси асосида олиб бормоқда. Ушбу ташаббус замонавий Хитойнинг узоқ тарихи билан узвий алоқадор бўлиб, қадимий Ипак йўли таъсири остида шаклланган. “Ипак йўли” маъжозий ибораси тарихий аҳамиятга даъвогарлик қиласиган транспорт йўлакларига

нисбатан яқинда қўллана бошлади, ўзи эса фақат XIX асрнинг охирги чорагида илмий муомалага киритилган. [1]

“Бир макон, бир йўл” ташаббуси денгизга тўғридан-тўғри чиқиш йўлига эга бўлган давлатлар билан ҳам, қитъанинг ичкарисида жойлашган мамлакатлар билан ҳам интеграция лойиҳаларини амалга оширишни назарда тутади. Шу сабабли унинг доирасида “Ипак йўли иқтисодий макони” (ИЙИМ) ва “XXI асрда Денгиз Ипак йўли” (ДИЙ) ажратилади.

Ушбу ташаббус 2013 йилнинг сентябрь ва октябрь ойларида ХХР раиси Си Цзинпин томонидан Қозоғистон ва Индонезияга амалга оширган ташрифлари давомида XXI асрда Ипак йўли ва Денгиз ипак йўли Иқтисодий маконни қисқача номланишда: “Бир макон, бир йўл” ташкил қилиш борасида узоқ муддатли стратегик режалар сифатида илк бора илгари сурилди. Си Цзинпин “Назарбоев университети”даги нутқида: “Умумий саъй-ҳаракатлар билан “Ипак йўли иқтисодий маконни” ташкил қилиш... барча мамлакатлар учун фойдали бўлиши”ни таклиф қилди, Бали оролида бўлиб ўтган (АТЕС) ОТИҲ саммитидаги нутқида эса Жанубий-Шарқий Осиё давлатларининг “Денгиз ипак йўли” ғоясини қўллаб-қувватлашга чақирди.

2014 йил “Бир макон, бир йўл” ташаббуси расман Хитой раҳбарияти ташки сиёsat йўналишининг асосий таркибий қисми деб эълон қилинди. Си Цзинпин томонидан 2012 йил охирида эълон қилинган Хитойни ривожлантириш узоқ муддатли стратегиясининг бажарилишини таъминлаши кўзда тутилганди. ХКП МҚ янги Бош котиби лавозимни қабул қилишидан кейин икки ҳафта ўтгач, мамлакатни ўн йиллик ривожлантиришнинг “Хитой миллатининг буюк тикланиш орзуси” (Хитой орзуси) деб аталган режасини тақдим этди. 2021 йилга келиб, “ўртacha бадавлатлик/ўртacha фаровонлик жамияти” (Конфуций анъаналарида “*syaokan*”), 2049 йилга келиб эса – “бой ва қудратли, демократик... ва замонавий социалистик давлат” яратиш кўзда тутилган. [2]

“Бир макон, бир йўл” ташаббусининг асосий мазмуни 2015 йил марта XXP Давлат кенгашининг рухсати билан чоп этилган Хитойнинг уч маҳкамаси расмий маъruzasi (“Ажойиб истиқболлар ва амалий ҳаракатлар”)да мавжуд. [3] Унда “Бир макон, бир йўл” ташаббуси тамойиллари, истиқболлари, ҳамкорлик механизmlари ва устувор йўналишлари умумий шаклда тавсифланган. Маъruzada иқтисодий сиёsatни давлатлараро мувофиқлаштириш, транспорт инфратузилмасини модернизация қилиш, савдо ва ўзаро инвестицияларни рағбатлантириш, молиявий интеграция, гуманитар алоқаларни ривожлантириш ажратиб кўрсатиган. Маъruzанинг асосий ғояси – “ўзаро ишонч” ва “умумий

ғалаба” (win-win/positive-sum) тамойиллари асосида сиёсий ва ижтимоий-иктисодий соҳада янада яқинроқ ҳамкорлик қилиш учун потенциал ҳамкор давлатларга мурожаат қилишдир. Ушбу ташаббус жаҳон ҳамжамиятининг орзусини акс эттиради ва инсоният тараққиётига катта ҳисса қўшишига қаратилганлиги таъкидланади.

Бугунги кунда Хитой дипломатлари олдига “Бир макон, бир йўл” концепцияси ва XXR ижобий имижини илгари суриш бўйича учта вазифа қўйилган. Биринчи вазифа – шубҳа ва тушунмовчиликларни бартараф этиш ва дастурнинг тан олиниш даражасини ошириш; иккинчи вазифа – иштирокчи-мамлакатлар ўртасида ўзаро стратегик ишончни мустаҳкамлаш; учинчи вазифа – глобал ҳамжамиятда Хитойнинг “умумий тақдирга эга инсонпарвар жамият” эканлиги ғоясини тарқатишдан иборат. Хитой расмий шахсларининг нутклари ва ҳукумат расмий ҳужжатларини таҳлил қилиш янги савдо йўли қурилиши воситасида XXR глобал иштирокини кенгайтириш учун янги халқ дипломатиясининг муҳим белгиларини аниқлашга имкон берди. Ушбу маконни “биргалиқда яратиш” ёки ҳамкорлик тамойиллари ҳақида ғоя Пекин ахборот фаолиятини бутунлай қамраб олди. Давлат БМТ устави ва “тинч-тотув яшашнинг беш тамойили”га содиқлигини самарали тарғиб қилмоқда. Мазкур тамойиллар: суверенитет ва ҳудудий яхлитликни ўзаро хурмат қилиш, бир-бирига ҳужум қилмаслик, тенглик, ўзаро манфаат ва тинч-тотув яшашни кўзда тутади. Эслатиб ўтамизки, ушбу ғоя илк бор собиқ бош вазир Ч.Энлай томонидан 1954 йилда Хитой ва Ҳиндистон ҳукумат раҳбарларининг қўшма баёнотида айтилган.

Очиқ ҳамкорлик, уйғунлик ва бир-бирини тушуниш, бозор муносабатлари ва ўзаро фойда қўриш каби қадриятлар, бугунги кунда “Бир макон, бир йўл” концепцияси доирасида янги иқтисодий иттифоқ самарали ишлашининг асоси сифатида тарғиб қилинмоқда. Бундан ташқари, сиёсий йўналишни мувофиқлаштириш, йўлларни бирлаштириш, тўсиқсиз савдо, эркин пул муомаласи, аҳолининг ихтиёри каби дастурнинг стратегик йўналишлари XXR ахборот агентликлари томонидан алоҳида эътибор талаб қиласиган асосий қоидалар сифатида қўрсатилган. Бундай халқ дипломатиясини амалга ошириш механизми ҳукумат идораларининг иқтисодий ва сиёсий соҳалардаги ҳаракатларини мувофиқлаштиришга хизмат қиласиган.

Хитойнинг турли ташкилотлари Си Цзинпин таъкидлаганидек, “турли мамлакатлар халқлари томонидан қўллаб-кувватланиш, халқлар ўртасидаги дўстона алоқаларни мустаҳкамлаш, ўзаро тушуниш ва анъанавий дўстликни

мустаҳкамлашга қаратилган кенг қўламли лойиҳани амалга ошириши керак”. Даастурни амалга ошириш доирасида асосий бошқарув органи бўлиб хорижий ишлар бўйича Марказий қўмита, ХХР ТИВ иштирок этади. Ҳукумат объект-мамлакатларнинг “Бир макон, бир йўл” концепцияси талаблари ва ундан кутаётган натижалари, жамоатчилик фикрига баҳо бериш учун имкон яратадиган стратегик режалаштириш тизимини барпо этади. Сўнгра ҳалқ дипломатияси соҳасида инвестиция ресурсларини шакллантириш, сафарбар қилиш ва тақсимлаш рўй беради.

Ҳукумат томонидан “Бир макон, бир йўл” концепциясини амалга ошириш доирасида асосий дипломатик усуллар сифатида қўйидагилар намоён бўлади. Аввало, анъанавий музокаралар, бу – биринчи даражали дипломатия. Иккинчидан, лойиҳа хақида тармоқ ресурслари орқали турли тилларда маълумот тарқатишни кўзда тутадиган рақамли дипломатия. Учинчидан, диний-маданий дипломатия. Тўртингидан, инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш ва инсонпарвар миллат сифатида ХХР имижини илгари суриш.

Ҳозирча “Бир макон, бир йўл” стратегиясини илгари суриш бўйича Хитой дипломатик корпуси ишининг якунларини кўриб чиқишига эрта. Бироқ ҳукуматнинг расмий ҳужжатлари ҳалқ дипломатияси доирасида эришган айrim ютуқлар ҳақида гапиришга имкон беради. Биринчидан, тарғибот туфайли янги глобал савдо йўлини амалга ошириш учун молиявий таркибий қисмлар шакллантирилди. Пекинда Хитой ва хорижий ташкилотлар ҳисобига молиялаштириладиган Ипак йўли жамғармаси ташкил этилди. Маблағлар ҳажми 40 миллиард долларни, бошланғич капитал эса 10 миллиардни ташкил этди. Унинг мақсади “Бир макон, бир йўл” концепцияси доирасида инфратузилма соҳасида савдо-иқтисодий ҳамкорликни инвестициялаш ва молиялашдан иборат. Бундан ташқари, ХХР глобал лойиҳасининг ижобий имижи ҳисобига маблағлар жалб этадиган Осиё инфратузилма Инвестициялари банки очилди. Иккинчидан, ҳалқ дипломатия лойиҳалари кенгайтирилгандан сўнг, асосий давлатлар билан бир қатор қўшма меморандумлар қабул қилинди. Масалан, Тожикистон, Қозоғистон, Қатар ва Қувайт билан шартномалар имзоланди. 2015 йилнинг сентябрь ойида Россия ва Хитой ўртасида РФ Иқтисодий ривожланиш вазирлиги ва Хитой Тараққиёт ва ислоҳотлар бўйича давлат қўмитаси ўртасида минтақалараро ва чегара ҳамкорлиги соҳасида ўзаро англашув меморандуми имзоланди, бу ҳам Пекиннинг “юмшоқ куч” ва ҳалқ дипломатиясини қўллаш борасидаги саъй-ҳаракатлари натижаси бўлди. [4] Учинчидан, Марказий Осиё ва Африкада бир қатор ҳалқ дипломатияси

лойиҳалари ХХРнинг иқтисодий ва таълим соҳаларида иштирокини кенгайтиришга ҳамда концепцияни илгари суришга ёрдам берди. Бу аввало, МДҲ мамлакатлари – Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистонга тегишли. Хитой таълим ресурсларини фаол экспорт қилади, ҳар йили Хитой университетлари кўплаб талабаларни бошқа давлатларга юборади. Шунингдек, Марказий Осиёда Хитой маданияти ва тилини тарқатиш учун Конфуций институтлари ҳам очилган. Нихоят, маданий тадбирлар ўтказилади, улар орасида айниқса муваффақиятга эришган Хитой маданияти куни, Хитой янги йили ва ҳоказоларни ажратиб кўрсатиш лозим. Умуман олганда, ХХРнинг халқ дипломатияси соҳасидаги янги дастурлари “Бир макон, бир йўл” лойиҳасининг ижобий қиёфасини илгари суришда самарали бўлмоқда. Хитой ҳукумати қатнашчи-давлатларни ушбу концепцияга киритиш, турли ҳудудлардан инвестицияларни жалб этиш ва қўллаб-қувватлаш учун ахборот, маданият ва таълим соҳасидаги тадбирлардан моҳирлик билан фойдаланмоқда.

Сўнгги йилларда Хитой раҳбарияти лойиҳанинг молиявий базасини кенгайтириш ва Янги Ипак йўлини амалга ошириш зарурлигини эътироф этиш бўйича узоқ кутилган меморандумларни тузишга муваффақ бўлди. Бироқ лойиҳанинг имижини яхшилаш учун ҳали кўплаб ҳал қилинмаган вазифалар мавжуд. Уларнинг асосий қисми Ҳиндистон ва Вьетнам каби қарши чиқаётган давлатларнинг чеклаш сиёсатини бартараф этишга йўналтирилган. Бу борада жамоатчиликни ХХР “Бир макон, бир йўл” концепциясини реалликка айлантириш зарурлигига ишонтириш халқ дипломатияси олдида турган муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Шундай қилиб, “Бир макон, бир йўл” концепцияси Хитой ташқи сиёсатининг энг муҳим стратегик йўналишларидан биридир. У Осиё-Тинч океани ва Европа минтақаларини боғлайди, жаҳон иқтисодиётининг тикланиши ва глобал цивилизациянинг бирлашувига, шунингдек, Хитойнинг халқаро майдонда ўз имижини мустаҳкамлашга хизмат қиласи.

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР**

1. Савченко В.С., Смолина Е.С. Великий шёлковый путь: история и экономика. //Гуманитарные исследования. – 2015. – № 1 (5) – С.124.
2. Новосельцев С.В. Концепция «китайской мечты» и её практическое применение//Сравнительная политика. – 2016. – №1 (22). – С.11.

3. Vision and Actions on Jointly Building Silk Road Economic Belt and XXI - Century Maritime Silk Road. Issued by the National Development and Reform Commission, Ministry of Foreign Affairs, and Ministry of Commerce of the People's Republic of China, with State Council authorization.

URL: [http://en.ndrc.gov.cn/newsrelease/201503/t20150330\\_669367.html\](http://en.ndrc.gov.cn/newsrelease/201503/t20150330_669367.html)

4. Россия и Китай подписали меморандум о приграничном сотрудничестве.

URL: <https://regnum.ru/news/1962441.html>.